

САДОҚАТ РЎЗИЕВА

ҚАЛАМ
ЖОНЛАНГАНДА

ШЕЪРЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Садоқат адабиётга эндигина кириб келаётган умидли ёш қалам-кашлардан. Унинг шеърларида теранликка талпиниш истаги болаликнинг мусаффо туйғулари билан уйғунлашиб жозибадор ифода ҳосил этади. Самимий ва бадий пишиқ сатрлар, гоҳо сокин, гоҳо шиддатли оҳанг ўқувчини мафтун этмай қолмайди.

Азиз китобхон, ушбу мўъжаз тўплам сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-08-199-4

© Садоқат Рўзиева. “Қалам жонланганда”. “Янги аср авлоди”, 2007 йил.

ПОКИЗА ҚАЛБ ДАФТАРИ

Истеъдод эгаси туғилаётганда макону замон танламайди. Кўз илғамас, чекка бир ҳудудларда ҳам ўз қалб торини чертаётган, юлдузлар билан тиллашиб, англаган сирларини қалб дафтарига тушираётган қалам соҳиблари яшаётганлиги бунга ёрқин исботдир. Пурвиқор Чотқол тоғ тизмаларининг энг мафтункор гўшаларидан бири – Қизил тоғ қўрғонидан улкан Шеърят дарёси томон жажжи бир ирмоқ оқиб келмоқда. Бу ирмоқнинг исми Садоқат Рўзиевадир.

Садоқатнинг асосий шеърлари ўзак қисмини Она, Ватан, Ҳурлик, Мухаббат мавзулари ташкил қилади. Ёш шоира бу мавзуларнинг ўзаро ҳамоҳанглигини болаларга хос соддалик, самимийлик ва ишонч ила ифода этади.

Сархуш бўлиб боғ аро капалакни кузатдим,
Балки шудир ундаган мени байтлар ёзишга.
Осмон тўкди кўз ёшин, камалакни кузатдим,
Жилвалари хўп кўркам ҳаққим йўқдир нолишга.

Садоқатнинг янги шеърларини ўқий туриб, ижодкор синглимиз элимизнинг буюк устозлари ижодига катта ҳурмат ва эҳтиром ила қараб, чинакам шоира бўлишга қатъий аҳд қилганлигини гувоҳи бўламиз.

Зулфия, ўзингсан тонгнинг куйчиси,
Минг хил орзу-ўйинг юксак ва теран.
Ортингдан таралар атиргул иси,
Сени онам дерман, устозим дерман.

Ҳассос шоира Зулфия хотирасига бағишланган ушбу сатрларда оташин меҳр ва муҳаббат бор. Албатта, ижодкорнинг тўла шаклланиши учун узоқ вақт кетади. Садоқат шеърдан шеърга улғайиб бормоқда. Бу, албатта, ўз самарасини беради. Ишончим комилки, эндигина ижод оламида тетапоя қилаётган умидли шоира синглимиз кунлар келиб элимизнинг ардоқли фарзандига айланса, не тонг? Ҳозирча бу борада ижодкор синглимизга фақат бахту саодат тилайман.

Азиз шеърхон, ушбу тўплам Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинаяпти. Садоқатнинг шеърларига энг холис баҳони эса ўзингиз берасиз.

Усмон БЕК,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Орзуларим қанотида учаман мен,
Кўкдаги шу юлдузларни қучаман мен.
Бир кун келиб юлдуз бўлиб атрофимга,
Ўзимда бор нурларимни сочаман мен.

ҚАЛБИНГГА ЖОЙЛАБ ЮР

Ҳар юрган йўлимда гул унсин десанг,
Доим омад билан бахт кулсин десанг,
Дилим шодликларга лим тўлсин десанг,
Қалбингга жойлаб юр фақат Оллоҳни.

Меҳрни истасанг бўлгин меҳрли,
Бировга қилмагин асло бахиллик,
Дунёга ишонма - удир сеҳрли,
Қалбингга жойлаб юр фақат Оллоҳни.

Бир бурда нонинг бор шунга шукур қил,
Юз хунук бўлса ҳам оқ бўлсин кўнгил,
Балки акамдирсан, эҳтимол сингил,
Қалбингга жойлаб юр фақат Оллоҳни.

Олгувчи ҳам удир, бергувчи ҳам у,
Йўларингни ёруғ этгувчи ҳам у,
Қилган гуноҳингдан ўтгувчи ҳам у,
Қалбингга жойлаб юр фақат Оллоҳни.

Имонинг бут бўлса, дилинг пок бўлгай,
Вужудинг ёшариб ёғдуга тўлгай,
Шайтон найранглари бирма-бир сўлгай,
Қалбга жойлаб юрсанг фақат Оллоҳни.

ШЕЪР ЁЗИШ САБАБИ

Не мажбур қилар мени қўлга қалам ушлашга,
Ҳилолнинг чеҳрасими ёки қуёш тафтимми?
Ўзим ҳам тушунмайман балки чорлар курашга,
Шеърият шайдолари баланд тутиб шахдини.

Балки гуллар ўйнашар қалбим ҳислари билан,
Балки бўлбул тор чертиб янги шеър пайдо қилар.
Атиргул яралади кўнглим нишлари билан,
У атрига қондириб ўзига шайдо қилар.

Сархуш бўлиб боғ аро капалакни кузатдим,
Балки шудир ундаган мени байтлар ёзишга.
Осмон тўқди кўз ёшин - камалакни кузатдим,
Жилвалари хўп кўркам, ҳаққим йўқдир нолишга.

Балки қизлар чеҳраси илҳомимни тоширган,
Юзларига боқсам гар ловулар анор каби.
Чимрилган чиройи-ла хаёлларим шоширган,
Фунча гулбаргларидек маҳлиё айлар лаби.

Офтоб нур сочиб турсин тун керакмас уларга,
Мажнунтолдек таралган бу қизларнинг сочлари.
Юлдузлар чақнаб турсин кун керакмас уларга,
Пардаси тушса юздан ёритади моҳ каби.

Паҳлавон йигитлари Алпомиш авлодидан
Билакларин ичинда иккита арслон кўрдим.
Оёғининг остида аждарҳо суврати бор,
Кўзлари, сўзларида ҳур Ўзбекистон кўрдим.

Мана энди тушундим нега ўзга сифмайман,
Не учун юрагимдан қоғозга қонлар томди.
Чунки она элим бор, мен уни улуғлайман,
Унинг меҳри танимда шеър қуёшидек ёнди.

ЁНИМДА БЎЛИНГ

Балки менинг ҳам иқболим кулар,
Балки кўзларим ёш билан тўлар,
Эҳтимол дўстларим юзин ўгирар,
Фақат сиз ёнимда бўлинг, онажон.

Бошимга чўнг тошлар тушса ҳам майли,
Бу баланд қоматим чўкса ҳам майли,
Одамлар қўл бермай ўтса ҳам майли,
Фақат сиз ёнимда бўлинг, онажон.

Қалбингиз қуёши дардимга даво,
Ҳар айтган сўзингиз шаксиз бебаҳо,
Сиз борсиз, мен борман, боқийдир дунё,
Фақат сиз ёнимда бўлинг, онажон.

Душманам устимдан кулган дамларда,
Қўлларим титрайди дил ўртар танда,
Сахий юрагингиз парчаси менда,
Фақат сиз ёнимда бўлинг, онажон.

Дунёдан ўтсам-да ному нишонсиз,
Азобда қийналсам бу танам жонсиз,
Яхшиям бахтимга ўзингиз борсиз,
Сиз-ла қийноқлардан қўрқмам ҳеч қачон,
Фақат сиз ёнимда бўлинг, онажон.

ИСТИҚДОЛИНГ МУБОРАК

Яна осмонингда қуёш балқиди,
Яна парвоз этар самода қушлар,
Яна адирларинг лолага тўлди,
Ўнгидан келдими биз кўрган тушлар,
Ҳар бир хонадонинг бахт билан тўлсин,
Юртим, истиқдолинг муборак бўлсин.

Ўтган аждодларим армонидир бу,
Бугун-чи, халқимнинг дармонидир бу,
Юксалиш йўлининг карвонидир бу,
Боғингда гул унсин, тиконлар сўлсин,
Юртим, истиқдолинг муборак бўлсин.

Маҳкам тут бошинга қўнган бахт қушинг,
Яхшиликка йўйгин кўрган ҳар тушинг,
Билимда кўрсатгин ўзингнинг кучинг,
Дунё нега қодирлигингни кўрсин,
Юртим, истиқдолинг муборак бўлсин.

Темурнинг оёғин ўпган бу тупроқ,
Алпомиш бағридан чиққан бир фироқ,
Широқ вужудида сўнмаган титроқ,
Ўтмиш сенинг учун бир сабоқ бўлсин,
Юртим, истиқдолинг муборак бўлсин.

Навоий даҳосин ўстирган замин,
Унутма ҳеч юртдан йўқ эрур каминг,
Ҳурликни кўтариб бахт отига мин,
Омад ҳам сен учун доимо қулсин,
Юртим, истиқдолинг муборак бўлсин.

ҚАЛАМ ЖОНЛАНГАНДА

Қуёш ўз ўрнини ойга бўшатар,
Кўчада жим-житлик ҳукм суради.
Шундай пайт бехосдан келади илҳом,
Қаламим жонланиб тилга киради.

У сўзлар ким не билан бахтиёрдир,
Кимгадир зар муҳим, кимдир обрў дер.
Аслида биз учун бебаҳо нарса –
Бир кафт тупроғимиз, хоксор она ер.

Қаламнинг бу сўзин тинглаган замон,
Шуларни қоғозга туширдим аста.
Ватан бу – биз учун мустаҳкам қўрғон,
Асрайлик дилини қилмасдан хаста.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1819> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1819> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1819>